

Лаборатория № 4.

Мавзу: Бошланғич табиий география курси. Географик қобик.

Мақсад: 1. Ўқувчиларга географик қобик тушунчаларини ўргатиш.
2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.
3. Географик қобик ҳақида билимга эга бўлиш.

Жихозлар: 1. Бошланғич табиий география дарслиги
2. Атлас
3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab.)
2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”
3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”
- 4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”
5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”
8. P. Mussaev va boshqalar “ O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”
9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

Бажариш тартиби: 1. бошланғич табиий география курсини ўқиб ўрганиш, таҳлил қилиш.

2. Лаборатория дафтарга атлас билан биргаликда ишлаб ёзиш.

«Географик қобик» темасини ўрганишда табиат зоналарини ифодаловчи манзарали расмлар, диафильмлар ва кинофильмлардан, айрим ўсимлик намуналаридан, яъни гербарийлардан кенг фойдаланилади.

Бу темани ўрганишда ўлка материалларидан фойдаланишнинг аҳамияти айниқса катта. Чунки бошқа зоналарнинг иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, уларнинг бирбирига бўлган таъсирини ўз ўлкасиники билан таққослаб ўрганадилар.

«Литосфера» темаси ўқувчиларни қизиқтирадиган, айтилишида анча мураккаб темадир. Бу темада мактаб атрофида учрайдиган объектларни асли ҳолатида ўрганиш имконияти бор, бироқ мактаб атрофида учрамайдиган предмет ва ҳодисаларни моделлар, манзарали расмлар, тасвирли ўқув қуроллари ёрдамида ўрганишга тўғри келади. Ернинг ички тузилиши, уни тадқиқ этиш усуллари, вулканлар, тоғларнинг пайдо бўлиши каби темаларни бадиий сўз, схема, чизмалар ёрдамида тушунтириш мумкин. Аммо рельеф ва ер пўстини ташкил этувчи жинсларни амалий жиҳатдан билиб олоқ учун экскурсия ташкил этиш керак. Ўқувчилар экскурсия пайтида рельеф шакллари ва ер юзаси қатламларининг тузилишини, ундаги жинсларни ўз кўзлари билан кўрадилар.

«Гидросфера» темасидаги дастлабки билимлар океанлар ҳақида бўлиб, буларни Ўзбекистон мактабларидаги ўқувчилар бевосита кўра ва кузата олмайдилар. Океан, океан таги рельефи, сувининг шўрлиги, денгиз оқимлари ҳақида сўзлаганда турли расм, диапозитив, диафильм, кинофильм, синф доскасида чизиб қўйиладиган схемаларни кўрсатиш керак. Океан қисмлари, қирғоқ чизиғи тўғрисидаги тушунчаларни география майдончасидаги сунъий сув ҳавзасидан кўрсатиш мумкин, шунингдек мактаб атрофидаги булоқ, қудуқ, дарё, анҳор, ариқ, кўл ёки сув омборлари мисолида ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Уқитувчи денгиз ёки дарёларни ўрганиш тартабини ўқувчилар дафтарига ёздириб қўйиши керак.

«Атмосфера» темаси юзасидан ўрганиладиган тушунча ҳодиса ва процесслар кузатиш йўли билан ва зарур метеорологик асбоблар билан ишлаш туфайлигина идрок

этилади. Шундай экан, бу бўлимда кузатиш ва тажриба методларидан кўпроқ фойдаланишга тўғри келади.

Сув ҳамда курукликнинг нотекис исиши, ёғинларнинг ҳосил бўлиши тажриба асосида, атмосфера ҳодисаларини кузатиш асосида ўрганилади. Кузатилган маълумотларни ишлаб чиқишда турли мазмундаги иқлим диаграммалари, график, шамол гулини тузиш каби амалий ишлар қўл келади.

Метеорология станцияси ва ундаги асбобларнинг иши, обҳавони олдиндан айтиш усуллари билан таништириш мақсадида ўқувчиларни метеорология станциясига экскурсияга олиб борилади.

Ўқитуви ўқувчиларга обҳаво ҳолатини кузатиб бориш вазифасини топширар экан, аҳёнаҳёнда кузатиш натижаларини текшириши ва уларнинг ишларига тегишли баҳо қўйиб бориши керак.

Baholash mezonì.

1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.

2.Laboratoriyanì mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.

3.Olingan natijalarnì hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.

4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha

Лаборатория № 5.

Мавзу: Материклар ва океанлар табиий географияси курси.

Мақсад: 1. Ўқувчиларга материклар ва океанлар географияси таълими вазифаларини ўргатиш.

2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.

Жихозлар: 1. Материклар ва океанлар табиий географияси дарслиги

2. Атлас

3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab.)

2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”

3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”

4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”

5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

8. P. Mussaev va boshqalar “ O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

Бажариш тартиби: 1. Материклар ва океанлар табиий география курсини ўқиб ўрганиш, таҳлил қилиш.

2. Лаборатория дафтарга атлас билан биргаликда ишлаб ёзиш.

ВИ синф материклар географияси курсининг асосий мазмуни куруклик (материк)лар табиатини ўрганишдан иборат. Бу курсда табиат ресурслари ва аҳоли яшайдиган табиий шароитни ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Аҳолининг сони, этник таркиби, зичлиги, жойланиш хусусияти таърифлаб берилади. Мазкур курс яхлит курукликлар бўйича осондан мураккабга деган дидактик принцип асосида (Африкадан бошланиб сўнг Австралия ва Океания, Антарктида, Жанубий Америка, Шимолий Америка ва Евросиё) кўриб чиқилади.

Ҳар бир материк қуйидаги тартибда: географик ўрни, кашф этилиши ва текширилиш тарихи, рельефи, фойдали қазилмалари, иқлими, дарё ва кўллари, табиат зоналари,

аҳолиси ва сиёсий картаси ўрганилади. Материкларнинг умумий обзорида сўнг табиий географик ўлкалари кўриб чиқилади. Материклар географияси курсида олинган билимлар «Умумий географик қонуниятлар» деган охириги темада яқунланади. Бу бўлимда материклар рельефи ва океан остининг генезиси, атмосферанинг умумий циркуляцияси ва унинг аҳамияти атмосфера билан дунё океанининг бирбирига таъсири, иқлимни тупроқ ҳамда ўсимликка таъсири ва табиат билан жамият ўртасидаги муносабат бир қадар тўла ўрганилади. Синфда ўқувчиларнинг картографик билимлари чуқурлашади, улар махсус — геология, иқлим, гидрография, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот, этнографик ва сиёсий карта (айрим мамлакатларнинг хўжалиги ўрганилмайди) билан танишадилар. VI синф дарсларида бошқа география курсларига нисбатан кўрсатмалли қўлланмаларни кўпроқ татбиқ этилади. Чунинчи, глобус, турли мазмундаги карталар, ҳар хил кузатиш ва ўлчаш асбоблари, расмлар, транспорантлар, диафильм, кинолавҳалар ва Ҳ. К. Булар ҳаммаси кўрсатмалли қўлланмалардан изчиллик ва моҳирлик билан фойдаланишни тақозо этади.

Курснинг вазифалари, мазмуни ва тузилиши

Материклар ва океанлар табиий географияси курси — мактаб географияси системасидаги дастлабки регионал курсдир. Курснинг асосий вазифаси ўқувчиларга бутун материк ва материк доирасидаги табиий географик областлар ва океанларнинг табиий географик хусусиятлари ҳақида тасаввур ва хусусий тушунчалар системасини, шунингдек материкларнинг аҳолиси ва сиёсий картаси ҳақида айрим маълумотлар беришдан иборатдир.

Бу курс материалларини ўрганиш жараёнида табиий география бошланғич курсида олинган билимларга таянилади, илгари эгалланган умумий тушунчалар конкретлашади ва мустаҳкамланади. Масалан, Африка материги иқлимини ўрганишда изотерма, экваториал ва тропик ҳаво массалари, пассатлар, пассатларнинг океан оқимлари ва ёғинларга таъсири ҳақида янги умумий тушунчалар берилади. Курс материалларини ўрганиш натижаеида Ернинг иқлимлари ва иқлимнинг таркиб топишига таъсир этувчи омиллар, атмосфера циркуляцияси, иқлим минтақалари ҳақида ўқувчиларда янги умумий тушунчалар шаклланади.

Материклар ва океанлар табиий географияси материалларини ўрганиш жараёнида табиатнинг тараққиёти ва табиат билан жамият орасидаги боғланишлар ҳақидаги қонуниятлар очиқ берилади. Ўқувчилар ҳозирги табиий шароит, табиий жараён (эндоген ва экзоген)лар, инсон хўжалик фаолияти ва ер пўсти тараққиёти туфайли таркиб топганига ишонч ҳосил қиладилар. Ижтимоий шароитнинг инсон билан табиат орасидаги муносабатларга таъсири аниқ фактлар билан кўрсатилади, бу эса ўқувчиларга социалистик тузумнинг афзаллигини тушуниб етиш имкониятини беради.

Курснинг асосий вазифаларидан бири — ўқувчиларда картографик билимларни, картани ўқиш ва тушуниб етишларини ривожлантиришдан иборатдир. Ўқувчилар карталар асосида территорияларининг табиий шароитидаги тафовутларни тасвирлашга ўрганадилар.

Материклар ва океанлар географияси курсида ўқувчиларга бериладиган билимларнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат. Курс ўқувчиларга ҳар бир материкнинг табиий географик хусусиятлари ҳақида: материкнинг географик ўрни, катталиги, қиёфаси, ер юзаси тузилишининг хусусиятлари, иқлими, гидрографияси, минерал ресурслари, табиат зоналари ҳақида тушунча беради. Ўқувчилар ҳар бир материк ва океан табиатига хос бўлган хусусиятларни, ўзга материк ва океан табиатидан нималар билан фарқ қилиши, унинг табиий шароити қандай сабабларга кўра таркиб топганлигини, табиат ресурсларидан инсон қай тарзда фойдаланаётганликларини билишлари лозим.

Мазкур курсда ўқувчилар ҳар бир материк ва океаннинг текширилиш тарихи, шунингдек ҳар бир материкнинг аҳолиси, сиёсий картаси билан танишадилар. Ўқувчилар материк аҳолисининг сони, аҳолининг материк территориясида тақсимланиши, аҳоли хўжалик фаолиятининг ўзига хос томонларини билиб оладилар.

Baholash mezoni.

- 1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.*
- 2.Laboratoriyani mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.*
- 3.Olingan natijalarni hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.*
- 4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha*